

Ilmiy xabarlar 2001. №1-2. B-105-107.

5. Давлетшина А.Г. к фауне тлей рода Aphididae Бостанликской лесной дачи. Вредители сельскохозяйственных культур Узбекистана и их энтомофаги. Ташкент:Фан, 1970. С. 150-161.

6. Давлетшина А.Г. Тли рода Aphis L. Фауны Узбекистана.-Ташкент:Наука, 1964.-С.135.

7. Davletshina A.G. Энтомофаги главнейших вредителей хлопчатника Узбекистана.-Ташкент:Фан, 1972.-С.17-74.

УЎТ. 632.4.

ТИРНОҚГУЛ ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИ ЗАРАРАЛОВЧИ ҲАМДА КАССАЛИК ҚЎЗГАТУВЧИ НЕМАТОДАЛАРНИНГ ҚЎПАЙИШИ, БИОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ


Артиков Орифжон Обидович, ассистент,
Рўзикулов Давлатбек Назаралиевич, катта ўқитувчи,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Мазкур мақолада тирноқгул доривор ўсимлигининг зараркундаларидан нематодалар тўғрисида изланиш натижалари келтирилган. Тирноқгул доривор ўсимлигига илдиз шиш қўзгатувчи нематодаси, пиёз поя нематодаси жиддий зарар келтириши аниқланган.

Калит сўзлар: тирноқгул, зараркунанда, доривор, нематода, ўсимлик.

Доривор ўсимликлардан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири бу уларни зараркундалардан ҳимоя қилишдир. Республикаимизнинг ўрмон хўжаликларида етиштирилаётган тирноқгул доривор ўсимлигига нематода зарар келтирмоқда. Нематодалар ҳужайра шираси билан озиқланади. Улар кўпинча ўсимлик тўқималарида тўпланади ва ўсимликни нормал ҳаётий жараёнларини издан чиқаради. Нематодалар зараридан тирноқгул доривор ўсимлигига танасида ҳар хил деформациялар – пояни қисқариши, қалинлашиши ва ғуддалар ҳосил бўлиши кузатилади. Нематодалар чувланглар (Vermes) типига ва юмалоқ чувланглар (*Nemathel minthes*) кенжа типига киради.

Нематодаларнинг ўсимликка зарар етказадиган формалари Tylenchidae оиласига киради ва оғиз капсуласи йирик бўлади.



1-расм Пиёз поя нематодаси – *Ditylenchus dipsaci* Kuehn ташқи куриниши.

Пиёз поя нематодаси – *Ditylenchus dipsaci* Kuehn. Юмалоқ чувланглар синфининг Tylenchida туркумига киради. Ҳамма ерда учратиш мумкин. Танаси ингичка чувлангсимон, тиниқ сув рангида, узунлиги 1-1,3 мм келади. Қулай шароит мавжуд бўлганда зараркунанда тирноқгул ўсимлигига ривожланади. Баҳор ва ёзда нематода доривор тирноқгул ўсимлиги илдизига зарар етказади. Ҳар бир урғочи зот 200 тадан ортиқ тухум қўяди. Зарарланган тирноқгул доривор ўсимлиги одатда

қуриydi ва илдизи чирий бошлайди.

Бу оилага кирувчи кўпчилик нематодаларнинг, шу жумладан, доривор ўсимликларда паразитлик қилувчи ҳамма нематодаларнинг ҳам наштари бўлади; жинсий вояга етган урғочи нематодалар танаси баъзан йўғон бўлади.

Нематодалар лабчалар ёрдамида оғиз тешиги билан ёпишади ва озиқ бўладиган субстратни тутиб туради.

Нематода териси кўпинча хира оқиш, сарғиш ёки сувсимон тиниқ, ёки ярим тиниқ рангда бўлади; баъзан териси кул ранг ёки кўнғир тусда бўлади;

Нематодаларнинг овқат ҳазм қилиш тизими оғиз тешигида бошланиб, орқа чиқарув тешигига қадар борадиган анча қисқа ва бир қават ҳужайралардан иборат най шаклида бўлади.

Ўсимликларга зарар етказадиган нематодалар оғиз капсуласининг ичида ҳар хил каттиқ тузилмалар бор, улар ёрдами билан паразит нематодалар ҳўжайин ўсимлик тўқимасини зарарлайди. Кўпгина нематодаларнинг, шу жумладан ўсимликларга зарар етказадиган барча нематодаларнинг оғиз бўшлиғида учи ўткир наштар (hastula) бўлади. Маданий экинлардан бу зараркунанда кўпгина доривор, полиз ва боғ ўсимликларига, жумладан помидор, қовун, тарвуз, бодринг, сабзи, картошка, беда, ҳатто олма ва шафтоли дарахтларига ҳам шикаст етказади.

Тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ўрмон хўжалиги майдонларида амалга оширилди. Нематода ўсимликни кучсизлантириб, ривожланишини секинлаштиради, ҳосилини камайитириб юборади. Зарарланган ўсимликлар нимжон бўлиб қолади, уларда ўсишдан умумий тўхташ кузатилади, баргларнинг ранги эса оч яшилдан сариққача бўлади. Бундай ўсимликларда сўлишга мойиллик кузатилади, чунки уларда сув ютиш жадаллиги пасайиб кетади. Гарчи нематода билан зарарланган ўсимликлар одатда нобуд бўлсада, баъзан улар ўсув даврининг охиригача қийинчилик билан яшаб қолиши мумкин.

Касаллик ҳосилдорлик ва мева сифатининг кескин пасайишига олиб келади. Зарарланган ўсимлик илдизи билан

суғуриб олинса илдишларда якка ёки гуруҳ бўлиб жойлашган, нематодалар томонидан кўзғатилган тугунчасимон, сўгалсимон шишларни кўриш мумкин. Касаллик енгил, қумли тупроқларда ва тупроқнинг ҳарорати ўртача бўлганда айниқса зарарлидир. Нематодалар тупроқда узоқ йиллар мобайнида сақланиши мумкин.

Кураш чоралари. Агротехник чоралардан алмашлаб экиш яхши натижа беради. Нематода билан зарарланган майдонларга зарарланмайдиган экинларни 4-5 йил мобайнида экиш. Қулай шароит бўлмаган ерларда нематода қирилиб кетади. Тупроқни фумигация қилиш ёки стериллаш нематодага қарши курашнинг самарали усули ҳисобланади. Ерни чуқур шудгорлаш, алмашлаб экишга риоя қилиш ва касалликка мойил бегона ўтларни йўқотиш каби агротехник тадбирлар касалликнинг зарарини камайтиришга имкон беради.

Зараркунанда тарқалишининг олдини олиш мақсадида зарарланган пайкалдан уруғлик тайёрламаслик, агротехник ишлов ўтказишда зарарланган даладан чиққан техникани дезинфекция қилиб тозалаш лозим. Кичикроқ майдонларни нематодид препаратлар билан зарарсизлантириш мумкин.

Хулоса. Тадқиқотларимиз давомида доривор тирноқгул ўсимлигида бир неча хил нематода зараркунандаларининг турлари аниқланиб, улар тирноқгул ўсимлигининг илдиз қисмига зарар келтириши аниқланди. Нематода зараркунандаларини доривор экинлари экиладиган майдонларда ўз вақтида назорат қилиб бориш ҳамда зараркунандаларга қарши агротехник тадбирларни сифатли қилиб ўтказиш, кузги шудгорни сифатли қилиб ўтказиш, алмашлаб экиш ва яхоб суви бериш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларини йўқотиш ҳам зарур тадбирлардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Э.Холмуродов Б., Болтаев Б., Носиров. Зарарли нематодалар, кемирувчилар ва каналар. Тошкент. Ўқув қўлланма. 2012
2. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент. Фан нашриёти. 2014
3. Мухаммадиев Б.Қ., Тожиева М., Болтаев Б., Носиров Б. Нематодалар, каналар, кемирувчилар ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент. Услубий қўлланма. 2014
4. Холлиев А.Т., Рўзикулов Д.Н. Доривор ўсимликлар зараркунандаларига қарши уйғунлашган ҳимоя тизими. "Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini". 3 – 2020. Тошкент-2020 - Б 42-43.
5. Аҳмедов Ў., Эргашев А., Абзалов А., Юлчиева М. Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология. Тошкент. 2009.
6. Дусманов И., Холлиев А. Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш. Тавсиянома. 2015.
7. Мурдахаев Ю.М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. Тошкент. Фан, 1984.

УЎТ: 631.51+631.8+634.66

УНАБИ ПАШШАСИНИНГ (CARPOMYIA WESUWIANA COSTA.) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИ

Ахатов Улуғбек Мухиддинович, магистр,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,
Халмирзаева Лола Бахрамовна, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
ТошДАУ Самарқанд филиали,
Умурзаков Элмурод Умурзакович, қ.х.ф.д., профессор,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.

Abstract. The article presents the bioecological characteristics of the unabi fly and the effectiveness of Detsis 2.5% k.e., Bi-58 40% k.e., Summi-alfa 5% k.e., Karbofos 50% k.e.

Keywords. Unabi fly, drugs, bioecology, damage, effectiveness, unabi fruit, profitability.

Кириш. Илмий адабиётларда республикаимизнинг мевали боғларида 260 дан зиёд зараркунанда ва 50 дан ортиқ касаллик кўзғатувчи замбуруғ учраши қайд этилган. Ўзбекистон шароитида унаби пашшаси (*Carpomyia Wesuwiana Costa*) жуда кенг тарқалган бўлиб, унаби боғларида кўп учрайди. Унаби пашшасининг личинкалари зарарлаган боғларда ҳосилнинг 90- 95 % нобуд бўлиши мумкин [1,2,4,5].

Тадқиқот материали ва услублари. Тадқиқотнинг мақсади Академик М.Мирзаев номи Ўзбекистон боғдорчилиқ, узумчилик ва виночилик ИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси шароитида унаби кўчатзорининг она боғларида унаби пашшасининг ривожланиш динамикаси, пашшага қарши

қўлланилган кимёвий препаратларнинг самарадорлигини ўрганиш белгиланган.

Унаби кўчатзорининг она боғларида унаби пашшасига қарши Децис 2,5% к.э., Би-58 40% к.э., Сумми-альфа 5% к.э., Карбофос 50% к.э кимёвий воситалар синовдан ўтказилди. ва уларнинг биологик самарадорлиги аниқланди.

Унаби пашшасининг ривожланиш динамикасини аниқлаш учун ҳар такрорда 10 та дарахт мисолида кўриб чиқилди. Тажрибалар проф. Ш.Т. Хўжаев тахририяти остида чоп этилган "Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар" асосида олиб борилди [3]. Препаратларнинг биологик самарадорлиги